



**“TIQXMMI”**

MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

“TIQXMMI” MTU HUZURIDAGI  
PEDAGOG KADRLARNI QAYTA  
TAYYORLASH VA ULARNING  
MALAKASINI OSHIRISH TARMOQ  
MARKAZI

# YER TUZISHNI LOYIXALASHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR

**2024**

TIIAME.UZ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШДА РАҶАМЛИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2024**

**Тузувчилар:** “ТИҚХММИ” МТУ профессори., и.ф.д., С.Авезбоев,  
катта ўқитувчилар А.Муқумов ва С.Шарипов

**Тақризчи:** т.ф.н., И.М.Мусаев, “ТИҚХММИ” МТУ “Геодезия ва  
геоинформатика” кафедраси доценти.

## **МУНДАРИЖА**

I.ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ... ..	30
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	31
VI. ГЛОССАРИЙ.....	32
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	34

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши қурашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўкув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу концепцияга кўра мамлакатдаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бу яқин йиллар давомида мамлакатдаги деярли барча олий таълим муассасаларининг кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашидан дарак беради.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳатлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий

тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ушбу дастурда хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари, кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари, кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти, кредит-модуль тизимида ўкув жараённинг услубий таъминоти, таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмuni, таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши қурашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари баён этилган.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари томонидан таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда: Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, фармонлар, қарорлар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари каби норматив ҳужжатлар қўлланилмоқда. Лекин шу кунга қадар таълим ва тарбия жараёнларини субъектлари томонидан ушбу ҳужжатларни амалда қўлланилишининг назарий ва амалий жиҳатлари деярли ўрганилмаган. Бу ҳолатлар олий таълим муассасаларида қўлланиладиган олий таълимнинг норматив-хуқуқий асосларини ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этишни долзарблигидан далолат беради.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини ер тузишни лойиҳалашда рақамлаштириш технологиялари асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув жараёнларни илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- ер тузишни лойиҳалашни автоматлаштириш жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методларини таҳлил қилиш;
- ер тузишни лойиҳалашни рақамлаштиришнинг замонавий технологияларини услубий таъминотини таҳлил қилиш;
- сифат жиҳатдан юқори даражада маълумотларни олиш, таҳлил қилиш ва оптималлаштириш технологияларини қўллаш ҳамда амалда тадбиқ этиш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникмаларни ҳосил қилиш;
- тингловчиларда ер тузишни лойиҳалашда рақамли технологияларни амалда қўллашнинг замонавий тенденциялари бўйича кўникмаси ва малакаларини шакллантириш;

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Кредит-модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- ер тузишни лойиҳалаш асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари;
- ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимини яратишнинг асосий тамоилилари;
- географик ахборот тизимлари, ер ахборот тизимлари ва улардан ер тузиш ишларини ўтказишида фойдаланиш, замонавий дастурлар ва жиҳозлар таъминоти воситалари классификацияси ҳамда ер тузишни автоматлаштириш тизимларини яратишнинг янги методлари ҳақидаги **билимларга эга бўлиши**;
- ер тузишни лойиҳалашнинг янги автоматлаштирилган тизим ўзгаришлари маълумотларидан фойдаланиш, бошлангич маълумотларини киритиши;
- инновацион ютуқлардан фойдаланган ҳолда янгилangan ер тузиш лойиҳалашини яратиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;
- янгилangan автоматлаштирилган тизимлардан ер тузиш ва ер кадастри ишларида фойдаланиши амалга ошириш;
- инновацион ечимларни ва ер тузиш ҳисоб-китобларини автоматлаштирилган тизимда бажариш жараёнини ташкил этиш;
- соҳа ютуқларидан ва янги автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланган ҳолда ер тузиш лойиҳалашини ишлаб чиқиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ер тузишни лойиҳалашда рақамли технологиялар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши, шунингдек, маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидақтика технологияларни;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, ГАТ технологиялари, Панорама дастури, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Кредит-модуль тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Рақамли университет” модели ва

олий таълим жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимлари, “Давлат кадастрларини юритишида инновацион технологиялар” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида ер тузиш лойиҳаларини ишлашда рақамли технологииларни қўллаш орқали катта ҳажмдаги метрик (план-харита) ва семантик (объектни тавсифловчи) маълумотлар базаси ва электрон ҳариталарни яратиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

№	<b>Модуль мавзулари</b>	Аудитория уқув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амайӣ машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Рақамли иқтисодиёт шароитида катта ҳажмдаги геоахборотларни олиш, қайта ишлаш ва бошқаришнинг замонавий муаммолари	4	2	2	
2.	Ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар ва умуман мамлакат ер майдонлари тўғрисидаги рақамлаштирилган ягона ахборотлар тизимидан фойдаланиш йўллари	4	2	2	
3	Ер тузиш лойиҳаларини рақамли кўринишга ўтказиш ва шу асосда улар аниқлигини тубдан оширишнинг инновацион ечимлари	4	2	2	
4	Рақамлашган тарзда республика, вилоят, туман даражаларида ердан фойдаланиши прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услуларини такомиллаштириш.	6	2	2	2
5	Ер тузиш лойиҳалари таркибида қишлоқ хўжалик регламентларини ишлаб чиқиш масалалари	4			4
	<b>Жами:</b>	<b>22</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>6</b>

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-МАВЗУ: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАТТА ҲАЖМДАГИ ГЕОАХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ (2 соат)**

- 1.1. Геоахборот тизимларидан фойдаланишнинг замонавий имкониятлари.
- 1.2. Геоахборотларни олиш ва қайта ишлашнинг самарали қўллаш усуллари.
- 1.3. Геоахборотларни бошқаришнинг замонавий муаммолари ва ечимлари.

**2-МАВЗУ ЕР ТУЗИШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСАДЛАРИГА  
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ВА УМУМАН МАМЛАКАТ ЕР МАЙДОНЛАРИ  
ТЎҒРИСИДАГИ РАҶАМЛАШТИРИЛГАН ЯГОНА АХБОРОТЛАР  
ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ (2 соат)**

- 2.1. Замонавий ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириш.
- 2.2. Мамлакат ер майдонлари тўғрисидаги рақамлаштирилган ягона ахборотлар тизимидан фойдаланишнинг инновацион йўллари.

**3-МАВЗУ ЕР ТУЗИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИ РАҶАМЛИ КЎРИНИШГА ЎТКАЗИШ  
ВА ШУ АСОСДА УЛАР АНИҚЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШНИНГ  
ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ (2соат)**

- 2.1. Ер тузиш лойиҳаларини рақамли кўринишга ўтказишнинг инновацион усулларини қўллаш.
- 2.2. Ер тузиш лойиҳаларини аниқлигини оширишнинг инновацион ечимлари масалалари.

**4-МАВЗУ РАҶАМЛАШГАН ТАРЗДА РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТ, ТУМАН  
ДАРАЖАЛАРИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА  
РЕЖАЛАШТИРИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (2 соат)**

- 2.1. Рақамлашган тарзда республика даражасида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услугиятларини такомиллаштириш.
- 2.2. Рақамлашган тарзда вилоят ва туман даражаларида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услугиятларини такомиллаштириш.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАТТА  
ХАЖМДАГИ ГЕОАХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА  
БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ (2 соат).**

Рақамли иқтисодиёт шароитида катта хажмдаги геоахборотларни олиш, қайта ишиш ва бошқаришнинг замонавий муаммоларини ўрганиш ва ечим излаш. Ер тузишни лойиҳалаш ва ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимларини лойиҳалашга ва унинг элементларига қўйиладиган асосий талабларни ўрганиш.

**2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ЕР ТУЗИШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
МАҚСАДЛАРИГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ВА УМУМАН МАМЛАКАТ ЕР  
МАЙДОНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ РАҚАМЛАШТИРИЛГАН ЯГОНА  
АХБОРОТЛАР ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ (2 соат).**

Ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг рақамлаштирилган маълумотлари ва умуман мамлакат ер майдонлари тўғрисидаги рақамлаштирилган ягона ахбортлар тизимидан фойдаланишини ўрганиш.

**3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ЕР ТУЗИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИ РАҚАМЛИ  
КЎРИНИШГА ЎТКАЗИШ ВА ШУ АСОСДА УЛАР АНИҚЛИГИНИ ТУБДАН  
ОШИРИШ (2 соат).**

Ер тузиш лойиҳаларини рақамли кўринишга ўтказишдаги янгиликларни ўрганиш ва шу асосда улар аниқлигини тубдан ошириб бориш.

**4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. РАҚАМЛАШГАН ТАРЗДА РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТ,  
ТУМАН ДАРАЖАЛАРИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА  
РЕЖАЛАШТИРИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (2 соат).**

Рақамлашган тарзда республика даражасида ердан фойдаланишини прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқишни такомиллашган усулларини ўрганиш. Рақамлашган тарзда вилоят ва туман даражаларида ердан фойдаланишини прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқишнинг такомиллаштирилган усулларини ўрганиш.

**КЎЧМА МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА  
КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР**

Кўчма машғулотлар учун б соат ажратилган бўлиб, машғулотларда қуидаги ишлар бажарилади:

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий лойиҳалаш институтида ер тузиш лойиҳаларини рақамли технологияларни қўллашнинг амалий жарёнлари билан танишадилар. Рақамлашган тарзда республика, вилоят, туман даражаларида ердан фойдаланишини прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқишнинг такомиллаштирилган услулларини ўрганадилар.

**ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va aсосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар echimini topish қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

*Намуна: Ер муносабатларини тартибга солиши усулларининг SWOT таҳлилини ушибу жадвалга туширинг.*

S	Диспозитив усулнинг афзалик томони	Ерга оид муносабатларни тартибга солища томонлар тенглигини тан олади
W	Диспозитив усулнинг камчилик томонлари	Ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилганлиги учун жавобгарликка тортиш масалаларида қўллаб бўлмайди
O	Диспозитив усулнинг имкониятлари	Ерга оид муносабатларни тартибга солища томонларга имконият берилади
T	Тўсиқлар (ташқи)	Ноқонуний аралашув

### «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнинмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

Ф	•фикрингизни баён этинг
С	•фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	•кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	•фикрингизни умумлаштиринг

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя тақлиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
  - иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тез ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна.**

Фикр: “Ер тузиш лойиҳаларини автоматлаштирилган усулда ишлаб чиқиш, Ер тузиш лойиҳаларини ананавий усулда ишлаб чиқишга нисбатан афзал туради”.

Топшириқ: *Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.*

### **“ХУЛОСАЛАШ” (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) МЕТОДИ**

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуякунланади.

**Намуна:**

Ер тузишни лойиҳалаш усуллари			
Императив усул		Диспозитив усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима -натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-bosqich: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-bosqich: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-bosqich: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш

<p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<p>якка ва гурухда ишлаш; муқобил варианктарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</p>
--	---

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Ирригация тизимлари ишга тушириш учун бажариладагин ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### “АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тигловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### “ИНСЕРТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тигловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунланғач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” МЕТОДИ**

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### **“БЛИЦ-ЎЙИН” МЕТОДИ**

Методнинг мақсади: Тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуийиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўплланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

*«Ер тузишни лойиҳалаши жараёнини» кетма-кетлигини жойлаштиринг.  
Ўзингизни текшириб кўринг!*

### **“БРИФИНГ” МЕТОДИ**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

Тақдимот қисми.

Муҳокама жараёни (савол -жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тигнловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1 -мавзу: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАТТА ХАЖМДАГИ ГЕОАХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ 2 соат.**

**Режа:**

- 1.1.Геоахборот тизимларидан фойдаланишинг замонавий имкониятлари.
- 1.2. Геоахборотларни олиш ва қайта ишлашнинг самарали қўллаш усуллари.
- 1.3. Геоахборотларни бошқаришинг замонавий муаммолари ва ечимлари.

**1.1.Геоахборот тизимларидан фойдаланишинг замонавий имкониятлари.**  
ГИС -бу ҳақиқий дунё объектларини, шунингдек сайёрамизда содир бўлаётган воқеаларни, ҳаётимиз ва ишимизни хариталаш ва таҳлил қилиш учун замонавий компьютер технологияси.

ГИС - бу электрон картада керакли маълумотларни акс эттиришга имкон берувчи компьютер тизими.

маълумотлар (фазовий маълумотлар): географик (объектнинг эр юзидағи жойлашуви, космосдан олинган фотосуратлар, аэрофотосуратлар), географик билан боғлиқ жадвалли ёки тавсифловчи маълумотлар;

техник воситалар (компьютер, компьютер ва телекоммуникация тармоқлари, ташқи хотира дисклари, сканер, рақамлаштиргичлар ва бошқалар);

географик маълумотларни сақлаш, киритиш, таҳлил қилиш ва тасаввур қилиш учун дастурий таъминот;

технологиялар (усуллар, процедуранлар ва бошқалар);

дастурий маҳсулотлар билан ишлайдиган мутахассислар

Худудий қамров бўйича:

глобал ГИС;

субконтиненталГИС;

миллий ГИС;

минтақавий ГИС;

минтақавий ГИС;

маҳаллий ёки маҳаллий ГИС.

Функционал жиҳатдан:



тўлиқ ишлайдиган;

Маълумотларни кўриш учун ГИС;

Маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш учун ГИС;

ихтисослашган ГИС.

**1.2. Геоахборотларни олиш ва қайта ишлашнинг самарали қўллаш усуллари.** ГИС реал хариталар ҳақидаги маълумотларни ушбу хариталар билан боғлиқ тематик қатлам хариталари ва маълумотлар базалари тўплами шаклида сақлайди.



### *Маълумотларни киритиш*

*Географик ахборот тизимларида рақамли хариталарни яратиш жар*

аёни автоматлаштирилган бўлиб, бу технологик тцикл вақтини кеск ин қисқартиради.

### **Маълумотларни бошқариши**

Географик ахборот тизимлари кейинги таҳлил қилиши ва қайта ишила ш учун фазовий ва атрибут маълумотларини сақлайди.

### **Маълумотларни сўров қилиши ва таҳлил қилиши**

Географик ахборот тизимлари харитада жойлашган объектларнинг хусусиятлари тўғрисида сўровларни амалга оширади ва маълумот оли ш ёки ҳодисаларни башиорат қилиши учун кўплаб параметрларни таққо слаш орқали комплекс таҳлил жараёнини автоматлаштиради.

### **Маълумотларни визуализация қилиши**

Кулай маълумотларни тақдим этиши уларни таҳлил қилиши сифати ва тезлигига бевосита таъсир қиласди. Интерактив хариталардаги фазо вий маълумотлар. Объектларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни графикалар, диаграммалар, уч ўлчовли тасвирлар шаклида қуриши мумкин

### **1.3. Геоахборотларни бошқаришнинг замонавий муаммолари ва ечимлари.**

Сунъий йўлдош навигация тизими бу ер, сув ва ҳаво объектларининг жойлашишини (географик координаталарини ва баландлигини) аниқл аш учун мўлжалланган тизим.

	GPS	ГЛОНАСС	Galileo	Compass/ Beidou	IRNSS	QZSS
Страна	США	СССР/Россия	ЕС	Китай	Индия	Япония
Количество спутников (на орбите/планируется всего)	31	27/30	4/30	19/35	7	1/7
Логотип						

### **GPS- қабул қилувчиси**

#### **GPS-**

гуруҳининг сунъий йўлдошлари чиқарадиган радио сигналларнинг келиши вақтининг кечикиши тўғрисидаги маълумотларга асосланаб, қабул қилувчи антеннанинг ҳозирги жойлашувишнинг географик координаталарини аниқлаш учун радио қабул қилгич. Россияда ГЛОНАСС тизимининг ривожланиши билан бир қатор дизайнерлик бюролари ва

*ташкылолтлари томонидан  
ГЛОНАСС қабул қилувчиларини сериялы ишилаб чиқарииш бошланди.*



Картанинг мавжудлиги қабул қилувчининг фойдаланувчи хусусиятла  
рини сезиларли даражада яхшилайди. Хариталар билан қабул қилувчилар  
нафақат қабул қилувчининг ўзи, балки атрофдаги нарсаларнинг ҳам ҳол  
атини кўрсатади.

Барча электрон ГПС хариталарини иккита асосий турга бўлиш мумкин -  
векторли ва растер.

**2-МАВЗУ ЕР ТУЗИШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ВА УМУМАН  
МАМЛАКАТ ЕР МАЙДОНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ  
РАҶАМЛАШТИРИЛГАН ЯГОНА АХБОРОТЛАР ТИЗИМИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ (2 соат)**

**Режа:**

2.1. Замонавий ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириш.

2.2. Мамлакат ер майдонлари тўғрисидаги рақамлаштирилган ягона ахборотлар тизимидан фойдаланишнинг инновацион йўллари.

**2.1. Замонавий ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириш.**


Ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар республика ер фондининг асосий қисмини ташкил этади. Бу ерлар бўйича маълумотлар эса Ер ахборот тизимида ( ЕАТ ) аниқланади.

ЕАТ фаолиятининг асоси кадастр тасвирга олишлари ( ерларни инвентаризациялаш ) ҳисобланади. Улар ҳудуднинг склетини ( масалан, ер эгалиги чегаралари шаклида ) ва ҳар хил маълумотлар қатламларини ( масалан, ер турлари

таркиби, жойнинг рельефи, гидрографияси ва бошқ. бўйича) яратиш имконини беради, бу эса ерлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича хар хил қарорларни қабул қилиш имкониятини яратади. Бунда кадастр тасвирларга олишлари (ерларни инвентаризациялаш), маълумотлар қатламлари таркибига киритиладиган барча кейинги маълумотларни тўғри боғлашни таъминлайди.

Маълумотлар қатлами – бу маҳсус маълумотлар тўплами бўлиб, маълум мақсадга мўлжалланган ва мос мазмунга эгадир. Улар ёрдамида хар хил маҳсус вазифаларни ечиш, мавзули хариталарни тузиш, хар хил ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаш мумкин, фойдаланувчи манфаатларига мос тарзда қатламлар компьютер экранига хар хил кўринишларда чиқарилиши, бирлаштирилиши, плоттерларга чиқарилиши мумкин.

ЕАТ қатламлари таркибининг чизма кўриниши 1–расмда келтирилган.



1-расм. ЕАТ маълумотлари  
қатламлари

Асосан, базавий маълумотлар қатламлари рўйхатига қўйидагилар киради:

- 1.чегара тармоғининг таянч нуқталари;
- 2.ер эгаликларининг чегаралари;
- 3.ердан фойдаланиш турлари бўйича районлаш маълумотлари;
- 4.нуқтали / чизиқли обьектлар;
- 5.жойнинг рельефи;
- 6.географик номи/

Маълумотлар қатлами “Таянч нуқталари (режавий ва баландликли)” ЕАТ нинг бошқа маълумот қатламлари учун ҳамда бошқа координаталарга эга маълумотлар учун базавий ҳисобланади. Таянч нуқталари ҳар қандай обьектларни узоқ вақтга, талаб этилган аниқликда жойларга боғлашни таъминлайди. Ушбу қатлам, ўлчашларда юқориоқ аниқлик берадиган ялпи техник воситалар пайдо бўлганда, доимий равища янгиланиб бориши мумкин.

Чегаралар қатлами амалда жойнинг ҳудудий тақсимланишини кўрсатади. Унда маъмурий чегаралар, кўчмас мулклар чегаралари ва муддатли мустақил фойдаланиш ҳуқуқлари чегаралар ҳамда чегара нуқталари кўрсатилган.

“Ерлардан фойдалаланиш майдонли обьектлар” қатлами ҳудуднинг ердан фойдаланиш планидан иборат бўлиб, унда ер турлари (ҳайдалма ерлар, дараҳтзорлар, яйловлар ва бошқ.), иморатлар, сув манбаалари, ўрмонларнинг жойлашуви кўрсатилади. Ушбу қатлам ерларни турлари бўйича ҳисобга олиш учун асос бўлиб, ер тузишда эса ҳар хил мулкдорлар, ердан фойдаланувчилар ерларининг ер турлари бўйича мавжуд экспликациясини тузиш учун хизмат қиласди.

“Нуқтали / чизиқли обьектлар” қатлами планда нуқта (қудуқлар, булоқлар, якка турган дараҳт ва бошқ.) ва чизиқ (ихота дараҳтлари полосалари, йўллар, ариқлар,

зовурлар, кўприклар, электр линиялари, қувур ўтказгичлар ва ш.ў.) шаклидаги объектларнинг жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ер турлари, нуқтали ва ва чизиқли объектлар рўйхати, асосан ер тузиш, ер кадастрини юритиш бўйича мөъёрий – хуқукий ҳужжатлар ва кўрсатмалар асосида тузилади.

“Жойнинг рельефи” қатламида баландликлар, ёзма кўрсатилган баландликлар, ёзма кўрсатилган баландлик нуқталари мажмуи, рельефнинг эгилишлари ва шакли кўрсатилади. Ушбу ва олдинги учта қатламлар асосида ер тузишни лойиҳалашда фойдаланилайдиган, горизонталлар туширилган жойнинг плани тузилиши мумкин.

“Географик номлар” қатламида аҳоли яшаш жойларининг, айрим ҳудудларнинг, дарёларнинг, кўлларнинг, ер турларининг ва ш.ў. номлари тўғрисида маълумотлар келтирилади.

## **2.2.Мамлакат ер майдонлари тўғрисидаги рақамлаштирилган ягона ахборотлар тизимидан фойдаланишининг инновацион йўллари.**

Ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ер тузиш ва ер кадастрини ўтказиш мақсадида, зарурат туғилса бошқа кенгликка боғланган маълумот қатламлари ҳам яратилиши мумкин. Масалан: ердан фойдаланувчилар ерларини иқтисодий баҳолаш, санитария-химоя, муҳофаза минтақалари чегаралари, инженерлик тармоқлар, йўллар ва бошқ. бўйича.

Кўшимча қатламларни тизимда маълумотлар алмашиш жуда секинлашиб қолишига йўл қўйилмайдиган даражагача киритиш мумкин.

Ривожланган чет давлатларда ҳар хил ер тузиш ва ер кадастри масалаларини ечиш учун ЕАТ кенг тарқалган. Масалан, улардан ер участкаларини рўйхатдан ўтказишида, ер участкаси картада кўрсатилганидан кейин у тўғрисида маълумот олиш, ер участкасини ёки объектни унинг тартиб рақами ёки манзили бўйича излаш, юкларни ташишининг оптималь маршрутларини аниқлаш учун ва ш.ў. фойдаланилади.

Ер ва мулк кадастрларини юритишида ЕАТ районлаштиришда ҳар хил минтақаларни ажратиш, ерларни ва кўчмас мулк объектларини баҳолаш, ер муносабатларини тартибга солишининг иқтисодий механизмини яратиш учун фойдаланилади.

Ер мониторингида бу тизимлардан ер участкаларини паспортлашда, ҳудуднинг экологик ҳолатини баҳолашда, ифлословчи манбаларни аниқлаш ва ҳудудни ифлословчи объектларнинг жойлашуви таҳлил қилишида, ер усти ва ер ости сувларида ва атмосферада ифлословчилар тарқалиши жараёнларини моделлашда, ердан фойдаланишин ва уни муҳофаза қилишини назорат этишида фойдаланилади.

Ер тузишда ЕАТ янайм катта аҳамиятга эга. Улар қуйидаги ер тузиш масалаларини ечишда жудаям керакли бўлади:

- план-харита материалларини янгилашда;
- ҳудудда ер тузиш изланишларини олиб боришда;
- ерларни чегаралашда (ер участкаларининг жойларда чегараларини белгилаш, тиклаш ва маҳкамлаш);
- ер тузишни лойиҳалашда (хўжаликларро ва хўжаликда ички ер тузишда, ишчи лойиҳаларда);

қишлоқ хўжалиги ерларида ер тузиш мақсадлари учун ҳудудни аэроэкологик, экологик-ландшафтли, экологик-хўжалик ва бошқа турдаги минтақалашни ўтказишида; аҳоли яшаш жойларида ер тузиш ишларини ўтказишида, шаҳарларнинг ер хўжалигини тузиш лойиҳаларини ишлашда, шаҳар курилишида минтақалаш ва лойиҳалашда;

маъмурий – ҳудудий бўлинмалар даражасида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишин режалашда;

Ўз навбатида ер тузиш ишларини ўтказиш даврида йигилган маълумотлардан ЕАТ маълумотларини тўлдириш ва янгилаш учун фойдаланилади. Масалан: еларни қайта тақсимлаш учун ўтказилган хўжаликларо ер тузиш лойиҳаси ишлангандан кейин янги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар пайдо бўлади. Улар ва уларга бириктирилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар ЕАТларига киритилади ва кейинчалик ердан фойдаланиш билан боғлиқ ҳар хил бошқариш масалаларини ечишда фойдаланилади.

Айрим ҳолларда ерга эгалик қилиш хукуки ер участкаси чегараси ўзгармасдан ҳам бошқа шахсга ўтиши мумкин. Масалан: агар ер эгаси ўз ерини сотса, сотиб олган шахс олди-сотди хужжатларини рўйхатдан ўтказгандан кейин янги ер эгасига айланади. Шундан кейингина, у янги ер эгаси сифатида ЕАТга киритилиши мумкин. Бу вазиятда ер участкасининг ўрнини, чегараларини ва майдонини аниқлаш бўйича тўла ер тузиш ишлари ўтказилмайди. Шунга қарамасдан, ер эгасининг ўзгариши жараёни ер тузиш ишлари ҳисобланади ва ер тузиш хужжатларини тўлдиришни талаб этади, улар ерга бўлган хукуқнинг ўзгариши учун асос бўлишади.

ЕАТларини яратишда ва улар маълумотларидан фойдаланишда математиканинг ҳар хил бўлимлари қўлланилади: геометрия; тригонометрия; математик дастурлаш, математик таҳлил ва бошқ.

ЕАТларини яратишда математик хариталаш маълумотларидан; самолёт ва космик учиш аппаратлари ёрдамида ўтказилган масофадан изланишлар натижаларидан; фотограмметрия, геодезия ва топография ишлари натижаларидан, дала компьютер тизимларидан, GPS воситаларидан кенг фойдаланилади.

### **3-мавзу: ЕР ТУЗИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИ РАҶАМЛИ КЎРИНИШГА ЎТКАЗИШ ВА ШУ АСОСДА УЛАР АНИҚЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ. 2 соат**

#### **Режа:**

- 3.1. Ер тузиш лойиҳаларини раҷамли кўринишга ўтказишнинг инновацион усулларини қўллаш.
- 3.2. Ер тузиш лойиҳаларини аниқлигини оширишнинг инновацион ечимлари масалалари.

#### **3.1. Ер тузиш лойиҳаларини раҷамли кўринишга ўтказишнинг инновацион усулларини қўллаш.**

Қайта ишлаш (интерпретинг) – **Ер тузиш лойиҳаларини раҷамли кўринишга ўтказиш** оддий (аналог) маълумотларни компьютер тизимида сақлай оладиган раҷамли кўринишгакелтириш жараёни. Раҷамлаштиришда дигитайзер (раҷамловчи), ГАТИдаги дастурий таъминотлар, сканерлар ва бошқа раҷамловчи қурилмалар қўлланилади.

Картографик ахборотларни тасвирлаш қоидалари обектларни узоқ яқин жойлашувига қараб, масштабларда кўрсатилиши ва шартли белгиларга қараб белгиланади. Бу қоида шартли белгилар тизими ва шу билан бирга раҷамли топокарталарн и яратиш метод ва техникалари асосида ишлаб чиқилган.

Раҷамли тасвирлашнинг энг кўп ишлатиладигани: обект коди, метрик тасвирланиши, обектнинг топокартада айни масштабда жойлашганлиги ҳарактеристкаси ва кўпинча обектнинг семантикасидир.

Обектни метрик тасвирлаш икки хил вазифани бажаради:

- Обектнинг фазовий ўрнини жойлаштириш
- Қўшимча ахборот билан таъминлаш

Ҳарактерига қараб обектлар қуидагича тасвирланадилар:

- Дискрет обект-бир нуқтали;
- Шартли-чизиқли обект-икки нуқтали;
- Чизиқли ва майдонли обект-

координаталарига қараб; майдонли обектда оҳирги нуқта ўз ўрнида биринчи ҳам бўлиб келади.

- Чизиқли обектлар ҳам берилган йўналишига қараб икки гурухга бўлинади:
  - Тўгри ва ҳар қандай йўналишда (масалан йўл);
  - Фақат баландликни ёки релефни тасвирлайдиган (масалан горизонталлар, сув оқув чизиқлари ва б.).

### **Растрлаш -**

бу берилган аналог ёки қоғоз кўринишни тасвиридан рақамли кўринишга келтириб рақамли тасвир олиш сифатида ҳам қаралиши мумкин. Ундан ташқари вектор форматдан растр форматга келтириш орқали ҳам растрлаш иши амалга оширилиши мумкин. Қоғоз кўринишдаги тасвирни растрлаш жараёнининг энг кенг тарқалган усули бу сканер лаш жараёнидир. Олдинги бобда таъкидланганидек фойдаланувчи ишлатиш мақсадига кўра оддий сканерлардан ёки маҳсус сканерлардан фойдаланиши мумкин.

**Растрлаш жараёни.** Растрлаш жараёни жуда керакли жараёнидир. Бизга маълумки барча аэрокосмик суръатлар бизга растр кўриинишда келади, лекин геофазовий маълум отлар базасини тасвирлашимиз ва яратишимииз учун бизга вектор маълумотлар керак бўлади. Одатда улкан миқёсдаги геофазовий маълумотлар аэрокосмик тасвирлар орқал и келади ва улар олдинги курсларимиздан маълумки растр кўринишида бўлади. Растрлаш ёки тайёр растр маълумотларни ўз навбатида вектор форматга келтириш зарурият и пайдо бўлади. Лекин вектор форматдан олдин растр форматдаги тасвирларга ишлов бериш керак. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак ГАТ тилида Рақамли тасвирни қайта ишлаш жараёни (дигитал имаге просесинг) бизга керак бўлади. Бу жараён орқали тас-вир аниқлиги оширилади ва кераклиз ҳатоликлар бартараф этилади.

Ёрдамчи манбаалар ёрдамида вектор маълумот олиш ишига карта ва бошқа географик маълумотлар манбааларидан вектор обектларни рақамлаштириш киради. Энг кўп қўлла ниладиган усуллардан қўл ёрдамида рақамлаштириш, устидан чизиб рақамлаштириш ва векторизациялаш киради.



Рақамловчи қурилмалар турли хил кўринишида, катталиқда ва шаклда бўлади.


Уларнинг ишлаш тамойили қурилмада жойлашган шайба ёки доира кўринишдаги ойнали курсор ичига ўрнатилган чизик ёки симларнинг кесишувидан хосил бўлган марказий нуқтани планшет устида турган картадаги чегара ва чизиқларни устидан юргизиб чиқи шга асосланган. Рақамловчи қурилманинг планшет ёки доскасини аниқлиги 0,01 мм дан 0,25 мм гачадир. Кичик рақамловчи плашетлар 30x60 см бўлиб кичик масалаларни ҳал қилишга, каттароқлари 112x152 см лилари каттароқ вазифаларни бажаришга мўлжа лланган. Иккала қурилмада ҳам курсорнинг ойнаси ичига ўрнатилган икки кесишадига н симлар ёки чизиқлар ва рақамлаш жараёнида бошқариш тутгимлари мавжуд.


### **3.2. Ер тузиш лойиҳаларининг аниқлигини ошириш йўллари.**

2005 йилда пайдо бўлган Гоогле Мапс (<http://maps.google.com>) ахборот-

кидирув веб-сервиси дарҳақиқат Интернет

ГАТ соҳасида буюк воқеа бўлди. Биринчидан, Гоогле компанияси улкан ҳажмдаги карт ографик материални Интернет тармоғи фойдаланувчилари учун онлайн режимида очик қилиб қўйди (шу билан бирга картографик материалнинг ҳажми ортиб бомоқда ва материаллар янгиланиб борилмоқда). Иккинчидан, картографик маълумотларга кириш учун одатдаги браузер (Интернет Эхплорер, Фирефоҳ, Опера ва бошк.) қўлланилади, карта билан ишлаш оперциялари эса содда ва интуитив равишда тушунарли. Учинчидан, маълумотларни кўриб чиқиши учун учта режимни: “карта” (векторли), “йўлдош” (растрли) ва гибрид режимларини қўллаш мумкин. Тўртинчидан, сервис Гоогле қидирув тизими билан интеграцияланган, бу шаҳарлар, кўчалар, диққатга сазовор жойлар ва бошқаларни қидиришни, картада қидирув натижаларини визуаллаштирган ҳолда бажариш имкониятини беради.





ГАТ ДТ (ГИС софтвере) ГАТнинг у ёки бу функционал имкониятлари түпламини қўл-лабкуватлайди ҳамда қуидагилар каби ихтисослаштирилган дастурий воситаларни ўз ичига олади:

универсал тўлафункционал ГАТлар (фулл ГИС);

инструментал ГАТлар (ГИС софтвере тоолс);

картографик визуализаторлар (мап виewer);

картографик браузерлар (мап броузер);

столусти картографиялаши воситалари (десктоп маппинг);

ахборот-маълумотнома тизимлари (ҳелп-деск систем).

**Дастур (програм, роутине) –**

муайян алгоритмни реализация қилиш мақсадида маълумотларга ишлов бериш тизим ининг муайян компонентларини бошқариш учун мўлжалланган командалар ва уларга тегишли маълумотлар кетма-кетлиги.

**Дастурий таъминот (ДТ, софтвере) –**

тизим дастурлари ва шу дастурларни эксплуатация қилишда зарур бўладиган дастурий хужжатлар мажмуи. Тизимли ва амалий дастурий таъминотлар фарқланадилар.

**Тизимли ДТ (систем софтвере) –**

турли масалаларни ечишда, шунингдек янги дастурларни ишлаб чиқишида бутун ҳисоблаш комплексининг ишини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган дастурларни ўз ичига

олади.

Амалий ДТ (аппликацион софтвере) ЭХМ фойдаланувчиларининг муайян масалалари-ни ечиш учун ишлаб чиқилади ва фойдаланилади.

#### **4 -мавзу: РАҚАМЛАШГАН ТАРЗДА РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТ, ТУМАН ДАРАЖАЛАРИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 2 соат**

##### **Режа:**

4.1. Рақамлашган тарзда республика даражасида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услубиятларини такомиллаштириш.

4.2. Рақамлашган тарзда вилоят ва туман даражаларида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услубиятларини такомиллаштириш.

##### **4.1. Рақамлашган тарзда республика даражасида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услубиятларини такомиллаштириш.**

Ердан самарали фойдаланишни ва уни мухофаза қилишни умуммиллий бойлик сифатида ташкил этиш, ер ислохотини амалга оширишда бутун ер фондини яқин ва узоқ келажак учун, кўрсаткичларни ишлаб чиқиши билан, юқоридан пастгача қамраб оладиган ер тузишнинг бутун бир давлат тизими зарур. Бундай тизим мамлакатимизда асосан яратилган; у рақамлашган тарзда республика, вилоят, туман даражаларида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатлари билан иқтисодиёт тармоқлари, айрим тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар, шахсий ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар даражасида таъминлашга қодир.

Харакатдаги ер тузиш тизими ер ресурсларини тақсимлаш, улардан фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва мухофаза қилишни башоратлаш, режалаштириш ва лойихалашни ўз ичига олади; яқин йилларда ерлардан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш бўйича техник харакатларни хамда уларнинг стратегик мақсадлари ва уларга эришиш йўлларини аниқлайди. Унинг обьектлари қуидагилар бўлиши мумкин: бутун мамлакат, республика, вилоятлар ва минтақалар; мамлакатимиз ер фондининг ер тоифалари, ер турлари; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан - ширкат, фермер ва бошқа хўжаликлар ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари. Қабул қилинадиган ечимлар қатор ўзаро чамбарчас боғланган лойихавий ва лойиха олди хужжатлари кўринишида расмийлаштирилади:

- мамлакат ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш Бош чизмаси;
- йирик минтақалар ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни мухофаза қилиш Бош чизмалари;
- республика ва вилоятлар ер тузиш чизмалари;
- маъмурий туманлар ер тузиш чизмалари.

Ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш ер тузиш тизимини жорий этишнинг маълум босқичларини ўзида акс эттиради. Улар мустақил ишланишига қарамасдан, ундаги ечимлар кўрилаётган обьект, амалга оширилиш муддатлари, аниқлик даражаси билан ўзаро боғланади (1- жадвал).

Ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлашда башоратлаш, режалаш ва лойихалаш усулларини асослаш нисбатлари хар хил бўлиши

мумкин. Башоратлаш ва узоқ муддатли режалаштириш ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бош чизмаларини тузишда кўпроқ ишлатилади. Ер тузиш чизмалари режалаштириш ва ер тузишни лойихалаш усулларидан кенг фойдаланишга асосланади. Ер тузиш лойихаларида хўжалик ривожланиши қўрсаткичларини худудий асослаш ва табакалаштириш амалга оширилади; табиийки, бу босқичда лойихалаш усуллари кўпроқ ишлатилади.

Санаб ўтилган чизмалардан ташқари, умумдавлат ва минтақавий даражаларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш башоратлари ва дастурлари хам ишланади.

1 - жадвал

### **Ер тузиш тизимида босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги**

Ер тузиш босқичлари	Ер тузиш объектлари	Хисобланган муддат, йил	Лойиха ечим-ларининг аниқлик даражаси
Мамлакат ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмаси	Мамлакат ер фонди	17-20	Республика, иқтисодий туманлар
Йирик минтақалар ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қи-лиш бош чизмаси	Минтақа ер фонди	17-20	Вилоятлар, маъмурий туманлар
Республика ва вилоятлар ер тузиш чизмалари	Республика, вилоятлар ер фонди	12-15	Маъмурий туманлар
Маъмурий туман-лар ер тузиш чизмалари	Маъмурий туман ер фонди ва АСМ	12-15	Қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқ корхоналари, хўжаликлари
Хўжаликлараро ер тузиш лойихаси	Ўзлаштириладиган массив ёки бир неча корхоналар ер эгаликлари гурухи	5-7	Қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқ корхоналари
Хўжаликда ички ер тузиш лойихаси	Қишлоқ хўжалик корхонаси	5-7	Хўжаликнинг ички бўлимлари ва иш-лаб чиқаришнинг худудий участка-лари
Ерларни яхшилаш, тузиш, муҳофаза қилиш учун ишчи ер тузиш лойихалари	Қишлоқ хўжалик корхонаси участкаси	1-2	Ишлаб чиқаришнинг худудий участкалари

Башоратлар хар хил турдаги дастурларни ишлаш учун илмий асос хисобланади ва ерлар ахволини, салбий жараёнлар ривожланишини, (эрзия, сахролашиш, шўрланиш, батқоқлашиш, тупроқлар унумдорлигининг пасайиши ва ш.ў.) уларнинг олдини олиш бўйича мумкин бўлган ечимларни илмий тахлил қилишни ўз ичига олади.

Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат ва минтақавий дастурлари ресурслар, бажарувчилар ва бажарилиш муддатлари бўйича боғланган ижтимоий-иктисодий, ишлаб чиқариш, ташкилий-хўжалик ва бошқа ерлар унумдорлигини ошириш, янги худудларни ўзлаштириш, экологик вазиятни яхшилаш, тупроқларни эрозиядан химоялаш, бузилган ерларни консервациялаш ва бошқа муаммолар бўйича тадбирлар мажмуаларини ўзида ифодалайди.

Юқорида келтирилган ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатлари тизимини ишлаш ва улардан фойдаланиш худудларининг табиий ва иктисодий салоҳиятларини хисобга олиш учун қулай имкониятлар яратади, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда илмий-техник жараённинг устивор йўналишларини танлашни таъминлайди, аграр ва индустрисал ишлаб чиқаришни яхши худудий ташкил этишга ёрдам қиласди. Бу тизимнинг ахамияти табиатдан фойдаланишнинг маъмурий усулларидан иктисодий усулларига ўтилгани сари тўхтовсиз ўсиб боради.

Ер тузиш чизмалари илмий-техник жараён дастурлари билан боғланади, уларда ер ресурсларидан келажакда фойдаланиш ва ерларни минтақавий хусусиятларни хисобга олиб, муҳофаза қилиш бўйича бўлимлар бўлади.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш бош чизмаси ва ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш Бош чизмаси қаторасига ишланади, бу ер эгалклари ва ердан фойдаланишларни ўзгартиришнинг режа олди ва лойиха олди хужжатларида бир хил кўрсаткичларга эга бўлиш имконини беради. Ер масалаларини ечишни мувофиқлаштириш бошқа табиий ресурслардан (сув, ўрмон, биологик) оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чизмаларида, хамда халқ хўжалигининг ерни қўп талаб этадиган тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштириш режаларида хам амалга оширилади.

#### **4.2. Рақамлашган тарзда вилоят ва туман даражаларида ердан фойдаланишни прогнозлаш ва режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш услубиятларини такомиллаштириш.**

Иктисодий ва ижтимоий ривожланиш келажаги вилоятлар ва маъмурий туманлар ер тузиш чизмаларини ишлашда бошланғич материал бўлиб хизмат қиласди. Бунда қишлоқ хўжалик корхоналарининг табиий ва иктисодий салоҳиятлари ва ривожланиш режалари тўғрисидаги маълумотлар хўжаликларо ва хўжаликда ички ер тузишларни лойихалашга топшириқ тайёрлаш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қиласди.

Режалаштириш ва ер тузиш тизимларининг ўзаро кучли таъсири икки ёқлама фойдани таъминлайди. Бир томондан, у иктисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларига худудий аниқлик киритади, бошқа томондан эса - ер тузиш чизмалари ва лойихаларига хаққонийлик, аниқ хўжалик ва экологик йўналиш беради.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишни уларни муҳофаза қилишдан ажратиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик ерлари (аввало тупроқлар унумдорлигининг) маҳсулдорлигининг доимий омилларини кенгайтирилган қайта тиклаш, хозир ер тузишда ечиладиган асосий масалаларнинг бирига айланди (2-

жадвал). Ерларни сув ва шамол эрозияларидан химоя қилиш, бузилган худудларни рекультивациялаш бўйича чизмалар ва лойихалар энг кўп тарқалган хисобланади. Ерлар бузилишининг бу йўналишлари етарлик даражада тўла ўрганилган, улар ерхисоби хужжатларида кўрсатилади. Амалиётда синалган, шуларга мос тадбирлар мажмуаси ер тузиш лойихаларига киритилади.

Охирги йилларда ердан фойдаланишнинг интенсивлашиши билан боғлиқ холда, тупроқлар унумдорлиги ва маҳсулдорлигига салбий антропоген таъсир кучаймоқда. Ифлосланиш, шўрланиш, қуриб кетиш, ер ости сувларининг кўтарилиши каби жараёнлар фаоллашмоқда. Ер тузиш тизимида бу жараёнларнинг ҳамда селлар, кўчкilar ва ш.ў. олдини олиш бўйича лойихалар ва чизмаларни ишлаш бошланди.

Ер тузиш тадбирлари уларни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ишончли ва аниқ табиий-хўжалик асослашга эхтиёж сезади. Бундай асослаш ер кадастри материалларига ва АСМ тармоқларини юритишнинг минтақавий тизимларига (айниқса тупрокни химоя қилишга қаратилган минтақавий дехкончилик тизимларига) асосланади. Шу билан бирга фақат ер тузишда илғор иқтисодий, технологик ва техник янгиликларни жорий этиш имконини берадиган худудни ташкил этишнинг илмий асосланган таркибини яратиш мумкин. 2 -жадвалда экологик, иқтисодий ва агрономик характерга эга, ер тузишнинг ҳар хил босқичларида фойдаланиладиган материаллар санаб ўтилган.

## 2- жадвал

### **Ер тузиш тизимида ерларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар**

Ер тузиш босқичлари	Чизмалар, лойихалар, дастурлар	
	ерларни эrozиядан химоялаш бўйича	бузилган ерларни рекультивациялаш бўйича
Мамлакат, иқтисо-дий туманлар ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш Бош чизмаси	Мамлакат, иқтисодий туманларнинг эрозияга қарши тадбирлари бош чизмалари	Мамлакатда, иқтисодий тумандаги бузилган ерларни рекультивациялашнинг асосий йўналишлари
Республика, вилоят-лар, маъмурий туманлар ер тузиш чизмалари	Республика, вилоят-лар, сув тўпланиш хавзаси, шамол эрозияси райони чизмалари	Республика, вилоятлар, маъмурий туманларнинг маъданли хом ашё ва ёнилғини оммавий қазиб олишда бузилган ерларни рекульти-вациялаш чизмалари
Хўжаликлараро ва хўжаликда ички ер тузиш лойихалари	Кишлоқ хўжалиги ва бошқа корхона-лар ердан фойдаланишларида эрозияга қарши тадбирлар мажмуалари	Бир гурӯх ердан фойдаланишларда бузилган ерларни рекультивациялаш чизмалари
Ишчи ер тузиш лойихалари	Эрозияга қарши тадбирларни амалга ошириш лойихалари	Бузилган ер участкаларини рекультивациялаш лойихалари

Ер тузиш тизими ер ресурсларини бошқаришда етакчи ўринни эгаллайди. Уни шакллантиришда лойихалашнинг ҳар хил босқичларида ерлардан фойдаланиш ва

уларни мухофаза қилиш масалаларининг бутунлиги ва табақаланиши каби талаблар, қабул қилинадиган ечимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирларига тобеликлари, башоратлаш усулларидан лойихалаш усулларига кетма-кет ўтиш, лойихалашда аниқликни тўхтовсиз ошириб бориш хисобга олинади. Унинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- \* ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг ижтимоий-иктисодий мақсадларини асослаш, уларни ислоҳ қилиш йўналишларини, ер муносабатларининг кейинги ривожланишини танлаш;
- \* хўжалик ва жамоа фаолиятининг хар хил соҳаларида ердан фойдаланиш ва уни мухофаза қилишда илмий-техник тараққиёт ютуқларидан комплекс фойдаланиш;
- \* ердан фойдаланиш стратегиясини ва тактикасини режалаштириш, ахоли тизими, қишлоқ хўжалигини юритишнинг минтақавий тизимлари, табиатдан оқилона фойдаланиш билан чамбарчас боғлаш;
- \* ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг хуқуқий тартибига риоя қилиш;
- \* ердан фойдаланишда унинг унумдорлиги ва маҳсулдорлигининг тўхтовсиз ошишини, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш харажатлари самарадорлигининг ўсишини таъминлаш;
- \* ер мулқдорлари, унинг эгалари ва фойдаланувчиларга ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш учун зарур манфаатдорлик яратиш;
- \* ер-мухофаза тадбирлари хажмини ошириш, уларни ердан фойдаланишнинг интенсивлик даражасига ва ерга антропоген таъсирнинг ўсишига мослаштириш.

#### **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

##### **1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КАТТА ХАЖМДАГИ ГЕОАХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ (2 соат).**

Рақамли иқтисодиёт шароитида катта хажмдаги геоахбортларни олиш, қайта ишлаш ва бошқаришнинг замонавий муаммоларини ўрганиш ва ечим излаш. Ер тузишни лойихалаш ва ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимларини лойихалашга ва унинг элементларига қўйиладиган асосий талабларни ўрганиш.

##### **2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ЕР ТУЗИШ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ВА УМУМАН МАМЛАКАТ ЕР МАЙДОНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ РАҶАМЛАШТИРИЛГАН ЯГОНА АХБОРОТЛАР ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ (2 соат).**

Ер тузиш учун қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг рақамлаштирилган маълумотлари ва умуман мамлакат ер майдонлари тўғрисидаги рақамлаштирилган ягона ахбортлар тизимидан фойдаланишни ўрганиш.

### **3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ЕР ТУЗИШ ЛОЙИХАЛАРИНИ РАҚАМЛИ КҮРИНИШГА ЎТКАЗИШ ВА ШУ АСОСДА УЛАР АНИҚЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ (2 соат).**

Ер тузиш лойиҳаларини рақамли кўринишга ўтказишдаги янгиликларни ўрганиш ва шу асосда улар аниқлигини тубдан ошириб бориш.

### **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. РАҚАМЛАШГАН ТАРЗДА РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТ, ТУМАН ДАРАЖАЛАРИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (2 соат).**

Raқamлашган tarzda respublika daражасида erdan fойдаланишni прогнозлаш va режалаштириш хужжатларini ишлаб чиқишni такомиллашган usулларini ўрганиш. Raқamlaшган tarzda viloyat va tuman daражаларида erdan fойдаланишni прогнозлаш va режалаштириш хужжатларini ишлаб чиқishning takomillashтирилган usулларini ўрганиш.

### **КЎЧМА МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР (6 соат)**

Кўчма машғулотлар учун 6 соат ажратилган бўлиб, машғулотларда қуйидаги ишлар бажарилади:

“Ўздаверлойиха” давлат илмий лойиҳалаш институтида ер тузиш лойиҳаларini рақамli технологияларни қўллашнинг амалий жарёнлари билан танишадилар. Raқamlaшган tarzda respublika, viloyat, tuman daражаларида erdan fойдаланишni прогнозлаш va режалаштириш хужжатларini ишлаб чиқishning takomillashтирилган usулларini ўрганадилар.

## **V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **1. Ер тузишни лойиҳалашда рақамли технологиялар таркибида ахборотлар базасини яратиш ва таъминоти жараёнида маълумотларни йиғиш бўйича муаммоларни хал этишга оид кейс.**

**Кейс топшириғи.** Ер тузишни лойиҳалашда рақамли технологиялар ахборот таъминотида маълумотлар йиғиш бўйича муаммоларни хал этишга оид масалаларга эътибор қаратинг:

1. Maxsus elektron dasturlar mavjud emas.
2. Mutaxassislar mavzu bўyicha malakaviy kўnikmaga ega emas.
3. Maxsus xona jixozlanmagani.

4. Маълумотларни масофадан узатиш масалалари он лайн тизимиға ўтказилмаган.

5. Услубий кўрсатмалар нусҳалари етарли эмас.

- Ушбу камчиликларни аниқланг, уларни даражаларга бўлинг ва камчиликлар таҳлилини жадвал кўринишида амалга оширинг.
- Камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқинг.
- Камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хулосалар ёзинг.

## VI. ГЛОССАРИЙ

**ЕАТ** - ер ресурслари ва ер билан ажralмас боғланган кўчмас мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотлар тўплами.

**Векторли карта** - Рақамли векторли картография маълумотлари берилган ер участкасининг маълум масштабдаги, проексиядаги, координаталар тизимидағи, жой обьектлари тўплами сифатидаги баённома.

**ГАТ** - ихтисослашган компьютер тизимлари, ўз ичига дастурий таъминотни ва худудий боғланишга эга, катта ҳажмдаги чизма ва ёзма маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш учун зарур техник воситалар йиғиндисини олади.

**ЕТЛАТ**- бу лойиха ташқилоти бўлимлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда, лойиҳалаш ишларини автоматик тартибда ЭҲМ ларда бажарадиган, лойиҳалашни автоматлаштириш воситалари мажмуудан иборат ташқилий-техник тизим

**ЕТЛАТнинг функционал таркиби** - ўзаро боғланган ички тизимлар, блоклар, тизим ва унинг айрим бўлаклари бажарадиган вазифаларга мос ажратилган масалалар мажмуналари йиғиндиси

**ЕТЛАТ архитектураси** – бу маълумотларни қайта ишлаш, ҳимоя қилиш, сақлаш, фаоллаштириш ва уларни мониторда кўринадиган шаклга келтириш жараёнларини ҳамда техник воситалар ва дастурий таъминотнинг ўзаро алоқалари тамойилларини, таркибини, мақсадини аниқлайдиган автоматлашган ер тузиш тизимини умумий мантикий ташқил етиш

**ЕТЛАТнинг техник таъминоти** (техник воситалар, техника) – бу ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимининг техник жиҳозлари бўлиб, ўз ичига компьютер ва бошқа механик, магнитли, электр, электрон ва оптик уланма қурилмаларни ёки эҲМ бошқарувида ёки мустақил ишлайдиган шунга ўхшаш асбобларни ҳамда ЕТЛАТ фаолияти учун зарур ҳар қандай қурилмалар

**ЕТЛАТнинг техник-дастурий таъминоти** – ер тузишни лойиҳалашнинг автоматлашган тизимининг техник ва дастурий таъминотлари йиғиндиси

**ЕТЛАТни таъминлаш воситалари** - мос маълумотлар базалари, маълумотларни киритиш ва чиқариш воситалари, ёзма ва чизма маълумотларни тайёрлашнинг дастурий воситалари, айрим ер тузиш масалаларини ечиҳ учун амалий дастурлар тўплamlари, ёзма ва чизма таҳrirчилар

**Компьютер технологиялари** – бу маълум ташқилий таркибда танланган техник воситалар мажмуудан фойдаланиб, маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва кўрсатиш вазифаларини бажарадиган дастурий воситалар тўплами

**Объект метрикаси** - икки уч ўлчамли тизимда нукталар координаталари тавсифи.

**Объект семантикаси** - шартли белгилар турлари ва жойлардаги координаталаридан ташқари объект индивидуал (хусусий) тавсифлари (атрибуутлари).

**Растр** – тасвир элементларининг (пикселлар) тўғри бурчакли рақамли матритсасидир; пикセル – тасвир элементи (тасвирнинг энг кичик бўлгаги) бўлиб, тасвирни дискретлаш натижаси.

**Растрли карта** - рақамли растрли картографик маълумотлар жойдаги ер участкасининг маълум масштабдаги, проексиядаги, икки ўлчамли массив кўринишидаги координаталар тизимидағи баёни.

**Растрли кўрсатиши (маълумотларнинг растрли модели)** – объект синфи қийматлари биритирилган растр катаклари (пикселлар) тўплами шаклидаги кенглик объектларининг рақамли кўриниши

**Кенглик** – локал маълумотлар (кенглик обьекти тўғрисидаги маълумотлар, кенглик маълумотлари, географик маълумотлар) – бу кенглик обьектлари тўғрисидаги рақамли маълумотлар бўлиб, ўз ичига уларнинг хусусиятлари (кенглик ва нокенглик атрибулари) ва уларни кенгликда локаллаштириш тўғрисидаги маълумотларни олади.

**Масофадан зондлаш маълумотлари** (МЗМ) – бу ер усти, унда ва унинг тагида жойлашган обьектлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиб, улар масофадан тасвирга олиш жараёнида тўпланади.

**ер участкаси** – ер сиртининг қайд этилган берк чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хукукий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

**ер фонди** – ер сиртининг, хусусан сув обьектлари тубининг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг маъмурий чегаралари ичida жойлашган қисми;

**ер тузиш** – ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташқил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг худудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими;

**ерларнинг тоифалари** – ер фондининг ер участкалари уларнинг асосий мақсад вазифалари бўйича киритилган қисмлари;

**ерлар мониторинги** – ер таркибидағи ўзгаришларни ўз вактида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими;

**сугориладиган ерлар** – ерларни сугориш учун етарли микдордаги сув ресурсларига эга сугориш манбаи билан боғланган доимий ёки вактинчалик сугориш тармоғи мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг

- олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
  5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

## **II. Норматив-хуқукий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 ноябрда қобул қилинган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎРҚ-728-сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февраль “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрь “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

## **III. Асосий адабиётлар:**

1. Andreas C. Land Information systems.Germany, 2016
2. С.Авезбаев. Ер тузишни лойихалашнинг автоматлашган тизимлари, Дарслик. Т.: ТИМИ, 2008. – 135 б.
3. S. Avezbayev, A.Muqumov. Yer tuzishni loyihalashning avtomatlashgan tizimlari, Darslik. T.: TIMI, 2020-168 b.

4. С.Н.Волков. Землеустройство. Системы автоматизированного проектирования в землеустройстве, Учебник. Том 6. М.: “Колос”, 2002. – 450 б.
5. С.Н.Волков. Землеустройство. Экономико-математические методы и модели, Учебник. Том-4 М.: “Колос”, 2001. – 520 б.
6. Avezbaev S., Sharipov S.R. Yer tuzishni loyihalash. O’quv qo’llanma - T.: TIQXMMI, 2021. – 168b.
7. С.Авезбаев, О.Авезбаев. Geomalumotlar bazasi va uning arxitekturasi. Ташкент, ТИҚХММи, 2016. 128 б

#### **IV. Қўшимча адабиётлар:**

1. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
2. Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ер кадастри. Дарслик. Тошкент, ТИМИ. 2015. - 208 б.
3. С.Н.Волков.Землеустройство. Системы автоматизированного проектирования в землеустройстве. - М.: Колос. 2018. – 548 б.
4. Журакулов Д.О., Ярматова Д.С. Давлат ер кадастри. Ўқув қўлланма.”Фан”нашириёти.-Т.:2019й.-352 бет.
5. Раҳмонов Қ.Р., Успанқулов Б.М. Давлат кадастрлари асослари. Ўқув қўлланма.ТИҚХММи, Тошкент. 2018. -160 б.
6. Henssen, I.P. Williamson. Land registration, cadaster and it’s interaction - a world perspective. Стокгольм. 2015.
7. Хаксхольд Вильям. Введение в городские географические информационные системы – перевод с английского – New York Oxford – Oxford University Press. 2016.
8. Чертовицкий А.С., Базаров А.К. Система землепользования Узбекистана. Ташкент, Фан. 2013.
9. Чертовицкий А.С., Свайнов А.А. Земельный кадастр. Учебное пособие. Ташкент, ТИИМ. 2013. -296 ст.

#### **V. Интернет сайтлар**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz);
5. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
6. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

7. <https://www.agro.uz/>
8. [.https://tiiame.uz/](https://tiiame.uz/)
9. <https://kadastr.uz/uz>
10. <https://uzdkp.uz/uz>
11. <https://www.pgsha.ru/faculties/cadastre/> - сайт Пермского государственного аграрно-технологического университета имени академика Д.Н.Прянишникова